

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

2022 йил "28" ғинвар

13/13-сон

шеробод

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи шеробод тунсан
тиббийт берувилинига

(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Сабиров бир
Денисов Чарховиг томондан хамда Низом ва 2022 йил "05" 01 да берилган
03-19-09/39 -сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи
"туркузлур лурхондоре" ГТФ (газ таъминоти ташкилоти номи)
(кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари
И. Мансуров иккинчи томондан, қўйидагилар тўгрисида мазкур
шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмини қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 113636 куб.м, нархи 74933760 сўмни ташкил қиласи, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қўйидагича тақсимланади:

I чорак 113636 куб.м, январь 45454 февраль 45454 март 22728
II чорак _____ минг куб.м, апрель _____, май _____, июнь _____
III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____
IV чорак _____ минг куб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлами издан чиккан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга

20_йилда зарур булган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қиласди:

I чорак _____ минг куб.м, январь _____, февраль _____, март _____.

II чорак _____ минг куб.м, апрель _____, май _____, июнь _____.

III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____.

IV чорак _____ минг куб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____.

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилиган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилиган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чикиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилиган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун оддин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ микдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганилиги тўғрисида барча усууллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

76-32221176

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

шумбод тупсан Тасеънур, ялох 76321434

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига кадар камидаги 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларишинг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш хуқукига эга, Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишини таъминлаш учун жавобгарликий ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёкилги туридан фойдаланиши кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёкилфига ўтиши ва газдан фойдаланиши тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиши ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъмол килиш режимининг ягона узлусиз технологик жараёнини хисобга олиб, табий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўуниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўуниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўуниши нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асоссан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилиди.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукукий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов

комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишпинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёкилиги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёкилиги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ булиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигипинг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга булиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўриқдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъуллур.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томонининг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат курсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккана томонининг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва иммаддаги мөнадиулар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат курсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, таъни ўзланшини бойни усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билди келишидан.

3.13. Газининг физик-химийи параметрлар (тэмператур, широтидаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) га ўлчаш приборларини ўзини усулларга оширилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир киладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг түгри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 буйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 буйича газнинг микдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз араласиши ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш (ноконуний байпас линиялари улапганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечиликдан – хисобга олиш прибори ечилик кундан “Ўстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) хисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилик кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларниг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вактда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига иоконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган холда табиий газни истеъмол килиш ҳолатлари аниқланганда- ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ дарво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўкотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандай ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол килинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган митъумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган миссими ўлчон чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланишига газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тутилган куидан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти викили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлиштиришини хужжатларини расмийлаштирилмасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўриятиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ шикомиларини ўринатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар машжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлагида, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъери-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончилилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги булинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб килиш хуқукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдап чиққандай ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу ҳақда хабар берини шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш тифтихини тутиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда Учириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиққандай ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқлантиши кунгача, лекин дарво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади (О'з DS1 R-386 газ кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керик).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАИ ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБИИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тұловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчилікка мувоғиқ белгіланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тұлайды.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалга ошириш хошишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида ҳисоб-китоб килиш тұғрисида Етказиб берувчига билдиригі тартибида мурожаат килишга ҳаклиdir. Бундай холатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тұлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тұловсиз етказиб берилмайды.

4.5. Олдиндан тұлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайды (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамияттаға эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санаасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамияттаға эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзida тұланған маблаглар кайтарилмайды, кўрсатиб ўтилған маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланғаннан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилған тұлов ундирилади.

Бұнда, белгиланған тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдес, Истеъмолчига алоқадор бұлмаган түрли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмок, қисқа туташув ва х.)даги техник носозликлар аникланғанлығы сабибли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатылған газ асбоб ускуналарини тұлық күннеге бүйіча ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қылған ҳолатлар мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истөмөлчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истөмөлчини хабардор килган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вактида тўланмаганда, Истөмөлчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пена тўлади.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истөмөлони хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзib олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истөмөл килиши хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича хисоб-китоб қиласидаги истөмөлчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истөмөлчилар томонидан табиий газ истөмөлони хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунидаги қилинганинг 5 кунити қидир Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб берини-қабул қилиниш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб берини-қабул қилиниш далолатномасига асосан истөмөлчилер электрон хисобварап-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истөмөлчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг хисобништирилган тайминлани учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиниш далолатномаси Истөмөлчидаги куйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кучирма) архив маълумотлари;

б) Истөмөлчига тақдим этиладиган, Истөмөлчининг бўлинниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўгрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истөмөлчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТКдаги технологик йўқотишлар Истөмөлчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истөмөлчи ойнинг 7 кунидан кечиктириласдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиниш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиниш далолатномасига асосан электрон хисобварап-фактурани қабул қиласди.

4.16. Табиий газни етказиб берини-қабул қилиниш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътироzlар билан имзолаш Истөмөлчининг кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардин отод килемайли. Узунтигин ёки қабул қилинган газ микдорини аниқланишини порози бўлган томони далолатномада норозилик сабабларини мажбурий якъе этитирини буни билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача боини томонига бу тўрганишни манзум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этини имконияти бўлмагандо, вакилимчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истөмөлчидан дебитор вародларини тақдирни Етказиб берувчи томонидан конуида белгиланган тартиблар олганда оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг узбонишчани билан қайта уланганда, истөмөл қилинган газ ҳажми на унинг тийбати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

улаанган газдан фойдаланиш ускупасининг бир суткада 24 соат ичида түлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидаң аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол ќилингган газ учун тўлов эса яниг тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газининг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпич билан кейинги I ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН ПОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олиниади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандига кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарлиқдан озод килмайди.

VI. ТАРМОҚДАЦ УЗИБ ҚЎЙИНИ ВА ҚЛИТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчидаги қўйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунинга қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл кўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганилиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазипспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгаририш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қиливчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат килиш;
- Газдан фойдаланиш қоидларига зид равинида газ тармоқларига поқонуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокка қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қўйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз хисобидан таъмирлаш-тиглаш;
- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш кисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;
- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида хукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асоссан шартномага ўзгаришилар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:
 - табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
 - овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иссик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкари вактда) — икки кун давомида;
 - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидаги алмаштириш;
- Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги хуқукларга эга:

- техник заруратга күра, Истельмолчини белгиланган тартибда хабардор қылған ҳолда, табиий газни етказиб беришни қысқартыриш ёки тұхтатиши;
- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб күйиш;
- Истельмолчилардан табиий газдан фойдаланыш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларында риоя этишини талаб килиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиши;
- газ тармоқларыда авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кескинтириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истельмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қылған ҳолда, табиий газни етказиб беришни тұхтатиши ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунинг қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тұхтатиши.
- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиши.

7.3. Истельмолчи қуйидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонипи архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиши.
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;
- газ тармоқларыда ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни муитгазам равишида кўздан кечириб чиқиши;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йул кўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазинспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истельмол қилишини хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини кунининг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиши;
- табиий газ истельмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига тўскинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йул кўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аникланганга тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоги бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ТГҲНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аникланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофик бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа хукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибида қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қўйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аникланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги

Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасио:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз бергандা;
- в) киш даврида вактинича газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тонкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдикланган газ етказиб бериш тармогидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан таникири);
- г) шартнома асосида Истемолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талаблариға мос келмаганда, Истемолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўланни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур дараҷада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истемолчи Етказиб берувчидан бўлгиланган тартибда тўланган суммани қайтиришни талаб қилиш ҳукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истемолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вактида тўлапмаган тақдирда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истемолчи мапфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига катъий риоя қиласи.

Х. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашгани жойдаги тегишили судга мурожаат килишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама раён этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқарни жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганди, шунингдек снгиги бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусен, сел, ёнгир, сув тошқини, ёнгиги чикиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия динрида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ сткавиб беринни тўхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тўхтатиш ҳукукига эти бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнинда сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор қабул киладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгаришиш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома ~~2022-~~ йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблаг олувчилар ҳар йили “_____” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.


12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнинда кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУИЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўнимичи чоря-тайдирлар тўғрисида”ти № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб берини жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бўюссининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлиди.

13.2. Унбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккита нусхаси ҳам бир юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРИНИГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАИЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудгаз Сурхондарё» газ тъзмийоти филиали	“ИСТЕЪМОЛЧИ” <i>Шеробод</i> <i>Тоҷибад</i> <i>Гарбад</i> <i>Бирозибад</i> (бюджет ташкилотлари, хўжалик юрткучи субъектлар номи) Почта манинга: <i>Чародеб гулбад</i> <i>Тоҷибад</i> ОКПО коди <i>04500002</i> ОКЭД _____ Мулоқот телефони <i>76324434</i> Фax/x <i>23402000300100-001010</i> Банк номи: <i>Тоҷибад</i> <i>ин Хизмат</i> МФО <i>00014</i> ИИН <i>200493238</i> ш/х <i>хр/1000-218602222370731010-52009</i>  <i>Имзо:</i> 
Майзил: Тел./факс: Термиз шахар х/р: Квмолат 10-йи 76 221-23-10 Банк номи: «ЎзСКБ» ракат филиали МФО: 00435 ИИН: 306605769 ОКЭД: 35220 <i>Х/р 23400090511390402</i> <i>Рахбар</i> <i>(Ф.И.Ш.)</i> <i>Имзо:</i> <i>Мухр ўрини</i> <i>Бўлим бошлиги:</i> <i>Усмонов</i> <i>Юридик маслаҳатчи хуносаси:</i> 	<i>17. Содиров</i> 

2022 йил «24» дагы
13/13 -сон шартномага
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилингап газдан фойдаланиш ускуналары

РУЙХАТИ

Фаолият тури: Маркадий Чорохов

Кадастровый №

Табий газ тарифи 660 сум 00 тийн

Келишилган:

Етказиб берувчи

Рахбар

(Ф.И.Ш.)

Имзоси

Мұхр үрни

Ижрочи: Олж
(имя)

(JHM30)

Задачи

(S.H.M.)
H. Hooper



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

28 yanvar 2022 yil

Sherobod t.

O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunining 21-moddasiga ko‘ra, eng kam ish haqi miqdorining ikki yuz baravaridan ortiq summadagi xo‘jalik shartnomalari yuridik xizmat xodimining yozma xulosasidan keyin tuzilishi belgilangan bo‘lib, shunday bo‘lsada Sherobod tumani tibbiyot birlashmasi va xudud gaz Surxondaryo gaz ta’minot filyali o‘rtasida 74.999.760 (et mish to‘rt milion to‘qqiz yuz to‘qson to‘qqiz ming yetti yuz oltmis) so‘m №13-13-sonli 28.01.2022 yilda tuzilgan shartnomga ilova loyihasini huquqiy tekshiruvdan o‘tkazib, quyidagilarni aniqladim:

1. Mazkur shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonunining 10, 24, 34-moddalari talablariga javob beradi.
2. Mazkur shartnomadagi munosabatlar O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-424-moddalari bilan tartibga solingan.
3. O‘zaro hisob-kitoblar, javobgarlik va nizolarni hal etish O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga asosan amalga oshiriladi.

Yuqorida qayd etilganlarga ko‘ra, ushbu shartnoma O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonuni va boshqa qonun xujjatlari talabiga mos keladi deb hisoblayman.

Markaz bosh yuriskonsulti



A.A.Mengliev